ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

Талабаларнинг физикадан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда масалалар.

Sultonova O'g'iloy

Termiz davlat muhandislik va agrotexnologiyalar universiteti professori, pedagogika fanlari doktori

Annotatsiya. Fizika fani boshqa fanlar bilan uzviy chambarchas bo lgan holda barcha fanlar kesishmasida turuvchi sohadir. Bir amerikalik olim har bir narsada fizika bor degani ham bejiz emas, albatta. Shu bois bugun ushbu fanning nafaqat maktablarda, balki Oliy ta□lim muassasalarida ham mukammal o qitilishi masalasi ancha katta ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqolada muallif dunyo fanning o qitilish metadologiyasi va ahamiyati haqida, qolaversa talabalar uchun fizikaning moddiy va ma'naviy o'rni haqida batafsil bayon qiladi.

Kalit so'zlar: Fizika, metadologiya, Oliy ta'lim, ta'lim sifati, induksiya, deduksiya, talaba, texnika va h.k

Аннотация. Физика - это область, которая пересекается со всеми другими науками. Не случайно американский ученый сказал: «Физика есть во всем». Поэтому сегодня вопрос безупречного преподавания этого предмета не только в школах, но и в высших учебных заведениях имеет большое значение. В этой статье автор подробно описывает методологию и важность преподавания мировой науки, а также материальную и духовную роль физики для студентов.

Ключевые слова: физика, методология, высшее образование, качество образования, индукция, отчисления, студент, технологии и т. Д.

Annotation. Physics is a field that intersects with all other sciences. It is no coincidence that an American scientist said, "Everything has physics." Therefore, today the issue of perfect teaching of this subject not only in schools but also in higher education institutions is of great importance. In this article, the author describes in detail the methodology and importance of teaching world science, as well as the material and spiritual role of physics for students.

Keywords: Physics, Methodology, Higher Education, Quality of Education, Induction, Deduction, Student, Technology, etc.

Мавзунинг долзарблиги. Дунёнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида физика таълимини ривожлантириш, физика ўқитишда индукция, дедукция методларидан кенг фойдаланиш, халқаро баҳолаш дастурини татбиқ этиш, такомиллаштириш, физика ўқитишда интегратив ёндашиш асосида таълим мазмунини модернизациялаш, таълимда инновацион ахборот технологиясини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабаларнинг физикани ўрганишга нисбатан ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, касбий компетенциясини такомиллаштириш, физика ўқитишда ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқитишда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш каби масалаларга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жамиятнинг креатив ва компетентли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш муҳимлигини ошириб, долзарблаштирилмоқда.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

Тадқиқотнинг мақсади. Техника олий таълим муассасаларида бўлажак техник мутахассисларни тайёрлашда компетенциявий ёндашувнинг методик асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан, ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ривожлантиришда фикрлаш кўникмасини шакллантириш, уларни дарсга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида, қизиқарли масалаларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Танланган масалалар аниқ бир тизимни ташкил қилиши ва аниқ бир мақсадга йўналтирилиши керак. Шунинг учун, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган айрим мавзуга ва бобга оид масалаларни танлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Эксперементал ва график масалаларнинг мазмуни ўрта мактабда физика ўқитишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиши, ДТС талабларига мослиги, масаланинг қўйилиши аниқ ва реал бўлиши, ўқувчи эса аниқ илмий билимга ва амалий кўникмага эга бўлиши керак.

Экспериментал масалаларни ечишда тажрибалар мактаб демонстрацион экспериментининг барча шарт-шароитларига амал қилган ҳолда қўйилиши керак. Бунда асбоблар ва ҳодисаларнинг яхши кўринаётганига алоҳида эътибор бериш керак. Экспериментни бажариш жараёнига ўқитувчининг ўзи раҳбарлик қилиш зарурдир. Демонстрацион экспериментал масалаларга мисол келтирамиз.

Протон 1 кВ потенсиаллар айирмасини о`тиб, тезлик олади ва индуктсия чизиқларига перпендикуляр бо`лган 0,2 Т индуктсияли бир жинсли магнит майдонга тушади. Протон ҳаракатланадиган айлана радиусини ва унинг айланиш даврини аниқланг.

Берилган: У=1000 В-тезлатувчи потенциаллар айирмаси; Б=0,2 Т-магнит майдон индукцияси; $\vec{B}$ ва $\vec{\upsilon}$ векторлар орасидаги бурчак;жадвалдан:

$м_п=1{,}67\cdot10^{-27}$кг-протоннинг массаси; $қ=1{,}6\cdot10^{-19}$С-протоннинг заряди.

Топиш керак: р-айлана радиусини; Т-протоннинг айланиш даврини.

Ечилиши. Ҳаракатланувчи электр зарядга, бизнинг ҳолда протонга, магнит майдонда Лоренц кучи таъсир қилади: $Ф_л=Bq\upsilon\sin\alpha$, бунда α – $\vec{B}$ ва $\vec{\upsilon}$ векторлар орасидаги бурчак. $\alpha=90^o$ ва $\sin\alpha=1$ ни ҳисобга олсак: $Ф_л=Buq$. Лоренц кучи $\vec{B}$ ва $\vec{\upsilon}$ векторлар турган текисликка ҳар доим перпендикуляр бўлгани учун у иш бажармайди, яъни ҳаракатланувчи зарядларнинг кинетик энергиясини ўзгартирмайди; шу куч таъсири остида фақат тезлик йўналиши ўзгаради. Шунинг учун биз қуйидагини ёзишимиз мумкин:

$Buq=\frac{m_p\upsilon^2}{r}$, бундан: $r=\frac{m_p\upsilon}{Bq}$.

Протоннинг тезлигини топиш учун энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланамиз: электр майдон кучи У протон эришган кинетик энергияга тенг: $qU=\frac{m_p\upsilon^2}{2}$, бундан:

$\upsilon=\sqrt{\frac{2qU}{m_p}}$; $\upsilon=\sqrt{\frac{2\cdot1{,}6\cdot10^{-19}\cdot10^3}{1{,}67\cdot10^{-27}}}$=$4.4\cdot10^5$ мс.

Айлананинг радиусини топамиз:

$r=\frac{1{,}67\cdot10^{-27}\cdot4{,}4\cdot10^5}{1{,}6\cdot10^{-19}\cdot0{,}2}=0{,}23$

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

VOLUME-5, ISSUE-3

Протоннинг тезлигини ва унинг орбитасини билган ҳолда даврини аниқлаймиз:

$T = \frac{2\pi r}{\upsilon}$; [illegible] мкс.

жавоби. Протон 0,023 м радиусли айлана бўйлаб ҳаракатланади, унинг айланиш даври тақрибан 0,3 мкс га тенг.

Ўрганиш объекти физик катталикларнинг боғланиш графикларидан иборат бўлган масалалар график масалалар дейилади.

Баъзи ҳолларда бу графиклар масаланинг шартида берилади, баъзи ҳолларда эса уларни жамлаш керак бўлади.

Графикли масалаларни ечишда:

- ўқувчилар графикларни «Ўқиш» ва содда графиклар ясаш кўникма ва малакаларига бўлиш керак.
- графиклар билан ишлашни тобора мураккаблаштириб, ўқувчиларга катталиклар орасидаги миқдорий боғланишларни топишни тавсия қилиш, токи тенгламаларни тузишгача бориш керак.

График масалалар ечишнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1) агар катталиклар орасидаги боғланишлар графиги берилган бўлса, у ҳолда уни тушунтириш, ҳар бир бўлимдаги боғланишни характерини ўрганиш керак; 2) масштабдан фойдаланиб, графикдан изланаётган катталикларни (абсцисса ва ордината ўқларидаги қийматларини) топиши керак; 3) Агар боғланиш графиги берилмаган бўлса, у ҳолда махсус жадваллардан ёки масаланинг шартидан олинган қийматларига кўра график тузилади. Бунинг учун координаталар ўқлари чизилади, уларда маълум масштаб танланади, жадваллар тузилади, шундан кейин координата ўқлари бўлган текисликка тегишли ордината ва абсциссаларга мос нуқталар қўйилади. Бу нуқталарни бирлаштириб, физик катталиклар орасидаги боғланиш графиги ясалади, сўнгра юқорида айтиб ўтилган тартибда ўрганилади.

Мисол тариқасида қуйидаги масалани кўрамиз.

Ўқувчилар масалаларни мустақил равишда ечиш орқали:

- назарий билимларни мустаҳкамлайди;
- мустақил ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади ва ривожланади;
- физик катталиклар орасидаги боғланишларни ўрганади;
- физиканинг қонунларини онгли равишда ўзлаштиришига эришади;
- масаланинг шартига қараб график ясаш қобилияти пайдо бўлади;
- графикларга қараб физик катталикларни берилганларини ёзиб олишга ўрганади.

Хулоса. Физика ва уни ўқитиш методикаси кафедрасида, физика таълимининг ахборот техник таъминоти, дидактик, интерфаол воситаларини фаоллаштириш, модулли технологиясидан фойдаланиш, таянч компетенциянинг коммуникатив, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, масалани ечишда, дарс самарадорлигини оширишда қўлланилди. Физика ўтиш самарадорлигини ошириш олий таълим муассасаларида бўлажак техник мутахассислар тайёрлашнинг методик тайёргарликларини билим ва компетенциявий асосларини оширишда ҳизмат қилади.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-3

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tursunov Q.SH. Toshpo`latov Ch.X, Qorjovov M.J ”Fizika ta`limi texnologiyasi”. Toshkent 2013.
2. O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi qonuni. Toshkent. “Sharq” 2001.
3. Saidahmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. – T.: «Moliya», 2003.
4. Ziyomuhammedov B., M. Tojiyev. Pedagogik texnologiya – zamonaviy o‘zbek milliy modeli. Toshkent «Lider press» 2009.
5. Sachencho I.P. Diagnostika razvitiya pedagogicheskogo tvorchestva uchitelY. – Pyatigorsk, 2002.
6. Uzoqova G.S., Tursunov. Q. SH., Qurbonov M. Fizika o‘qitishning nazariy asoslari.-T., O‘zbekiston, 2008.